

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИНИНГ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИЛИШИ

Илесова Лаззат Асан кызы

ЧДПУ мактабгача таълим факультети 2 босқич талабаси

Аннотация: Мақолада мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларининг амалиётга тадбиқ этилиши баён этилган.

Таянч тушунчалар: мактабгача таълим, ўқув фаолият, интеграция, технология такомиллаштириш.

Аннотация: В статье описано выполнение государственных требований к развитию детей дошкольного возраста.

Ключевые понятия: система дошкольного образования, учебная деятельность, интеграция, совершенствование технологий.

Abstract: The article describes the implementation of state requirements for the development of preschool children.

Key concepts: preschool education, learning activities, integration, technology improvement.

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатида миллий ўзликни англаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни ўзлаштириш орқали шахс ва жамият ўртасида уйғунликни вужудга келтириш, эҳтиёжларнинг хусусийликдан умумийликка ўсиб ўтишининг қондирилиши ҳар жиҳатдан болаларнинг қобилиятлари, истеъдодларини, ички имкониятларини, ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларини тадқиқ этишни, шунингдек ривожлантиришни талаб этади.

Бугунги кунда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожланган, жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънавий жиҳатдан шаклланган этиб вояга етказиш долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Бу каби вазифаларни амалга оширишда албатта замон талабига мос келадиган Давлат талабларини янги, қўшимчалар киритилган вариантини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, бир қатор олим ва тажрибали амалиётчилар иштирокида ушбу Давлат талаблари яратилди.

Мазкур Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари (бундан буён матнда Давлат талаблари деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон «2017 - 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан илк ва мактабгача ёшдаги болаларни (бундан буён матнда болалар деб юритилади) ҳар томонлама ривожлантириш, таълим- тарбия бериш, мактаб таълимига тайёрлаш бўйича давлат талабларини белгилайди.

Яратилган Давлат талаблари кўп жиҳатдан мавжуд бўлган Давлат талабларидан кескин фарқ қилади. Биринчидан, янги турдаги Давлат талабларининг вазифалари такомиллаштирилган. Иккинчидан, соҳа ва кичик соҳаларида фарқ бор. Учинчидан, Давлат талаблари соҳа ва кичик соҳа индикаторларига ўзгартиришлар киритилган.

Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари болаларнинг психологик хусусиятларига асосланган ҳолда таълим-тарбия жараёнини белгилаб беради. Шунинг учун мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларидан педагогика ва психологияга оид билимларини янада чуқурлаштириш талаб этилади.

- Бугунги мактаб боласидан аниқ билимларгина эмас, фикрлаш кўникмаси, катталар ва тенгдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам талаб этилади. Шунинг учун бола мактабга қадам қўяётганида қанчалик билимга эга эканлиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёрлиги, атроф-оламга мослашиши кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши ва мустақил ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланади.

Болани бирор нарсага ўргатишгина эмас, унда ўз кучига ишончни орттириш, ўз ғоясини ҳимоя қилиш, мустақил равишда бир қарорга келиш ҳамда унда “Мен” концепциясини шакллантириш ҳам муҳимдир.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамиша унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиш ва муносабатларида жиддий туб ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани мактабгача таълим муассасасида ёки уйдаёқ мактаб таълимига тайёрлаш, боланинг ёш хусусиятига доир билим, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади. Бундай таништирув мослашув даврининг жиддий қийинчиликларидан халос бўлишга ёрдам беради.

Боланинг мактабга тайёргарлиги ундаги идрок, кузатиш, хотира, тафаккурнинг ривожланиши, вақт ва фазовий тушунчалар олами, ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши билан белгиланади. Соҳалар кичик соҳаларга бўлинган ва шу билан биргаликда, улар боланинг меъёردа ривожланиш кўрсаткичларини акс эттиради.

Мазкур *Давлат талаблари* қуйидаги таълим муассасаларида татбиқ этилади:

- давлат мактабгача таълим муассасалари;
- нодавлат мактабгача таълим муассасалари;
- мактабгача ёшдаги гуруҳлари мавжуд бўлган «Меҳрибонлик» уйлари.

Давлат талабларининг *мақсади* — мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, хорижий мамлакатлар илғор тажрибаси ҳамда илм-фан ютуқлари ва замонавий инфор­мацион коммуникатив технологияларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим тизимида маънан мукам­мал ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдир.

Давлат талабларининг *вазифалари* қуйидагилар ҳисобланади:

- мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши, таълим-тарбияси мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш;
- миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида болаларга таълим-тарбия бериш, ривожлантиришнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;
- таълим-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш.

Давлат талаблари қуйидаги *тамойиллар* асосида татбиқ этилади:

- боланинг ноёблиги;
- «Мен» концепцияси ва шахсий таълимини яратишда боланинг фаол роли;
- боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг муҳимлиги;
- бола таълими ва ривожланишида катталарнинг асосий роли;
- болалар ривожланишида индивидуал фарқланишлар мавжудлиги сабабли, ҳар бир болага мослашувчан бўлиб, индивидуал вариативлик асосида ёндашиш.

Давлат талаблари ривожланиш соҳалари интеграциясини кўзда тутуди ва бола ривожланишига қўмаклашади.

Давлат талаблари туғилгандан 7 ёшгача бўлган болаларнинг бешта асосий ривожланиш соҳаларига бўлинган. Ҳар бир ривожланиш соҳаси ўз ўрнида кичик соҳаларга бўлинган бўлиб, улар ҳар бир ёш гуруҳига мос бир нечта талаблардан (кути­лаётган ривожланиш кўрсаткичларидан) иборат.

Давлат талаблари асосидаги ёш даврлари қуйидаги *босқичларни* ўз ичига олади:

- гўдаклик (туғилгандан 1 ёшгача);
- эрта ёшдаги болалик (1 ёшдан 3 ёшгача);
- кичик мактабгача ёш (3 ёшдан 4 ёшгача);
- ўрта мактабгача ёш (4 дан 5 ёшгача);

- катта мактабгача ёш (5 ёшдан 6 ёшгача);
- мактабга тайёрлов ёши (6 ёшдан 7 ёшгача).

2.1. Давлат талаблари ривожланиш соҳа индикаторлари ҳақида тушунча.

Давлат талаблари (илк ва мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ривожланиш кўрсаткичлари) бу-кичик ёшдаги болалар ривожланишининг миллий тамойилларини, туғилганидан 7 ёшгача бўлган болаларнинг билим, кўникма ва малакалари мезонларини акс эттирувчи, катталарга уларнинг ўсишлари динамикасини, ривожланишлари ҳолатини аниқлашда ёрдам берувчи ҳужжатдир.

Давлат талаблари аниқ бир ёшдаги боланинг ривожланишини, боланинг ютуқлари ва ривожланиш даражасини кузатиш имкониятини берувчи индикаторларни (кўрсаткичларни) белгилайди. Давлат талабларини ишлаб чиқишда бола шахси ривожланишининг бешта соҳаси асос қилиб олинган.

Бу бешта асосий соҳалар биргаликда бола ривожланишининг баркамоллиги ва яхлитлигини таъминлайди. Давлат талаблари жамиятнинг мактабгача ёшдаги болалар ривожланиши ҳақидаги билимларини яхшилашга, тарбия соҳасида педагогларнинг кўникмаларини мустаҳкамлашга, шунингдек, муассасаларда таълим дастурлари ва методикаларини баҳолаш мақсадини ҳам кўзда тутди. Соҳалар кичик соҳаларга бўлинган ва шу билан биргаликда, улар боланинг меъёردа ривожланиш кўрсаткичларини акс эттиради.

- Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларида “талаб” сўзининг маъноси қуйидагича таърифланади: бирор-бир аниқ ёшдаги болалар билиши ва бажара олиши шарт бўлган талаблар мажмуидир.

- Давлат талаблари ривожланиш соҳаларининг индикаторлари эса боланинг кўз билан кўриши ва ўлчаши мумкин бўладиган кўникма ва малакалари кўрсаткичидир, деб таърифланади. Демак, ҳар бир ривожланиш соҳалари, кичик соҳалар таркибига кирувчи фаолият турларининг талаб ва индикаторлари мавжуд.

- Давлат талаблари боланинг қуйидаги **ривожланиш соҳалари** бўйича белгиланади:

- жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши;
- ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;
- нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари;
- билиш жараёнини ривожланиши;
- ижодий ривожланиш.

- **«Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши» соҳаси қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:**

- йирик моторика;

- майда моторика;
- сенсомоторика;
- соғлом турмуш тарзи ва хавфсизлик.
- **«Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш» соҳаси қуйидаги кичик**

соҳаларга

бўлинади:

- «Мен» концепцияси;
- ҳиссиётлар ва уларни бошқариш;
- ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот.
- **«Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари» соҳаси қуйидаги кичик**

соҳаларга бўлинади:

- нутқ ва тил;
- ўқиш малакалари;
- қўл бармоқлари майда моторикаси.

- **«Билиш жараёнининг ривожланиши» соҳаси қуйидаги кичик соҳаларга**

бўлинади:

- интеллектуал-англаш малакалари;
- элементар математик малакалар;
- тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият.
- **«Ижодий ривожланиш» соҳа қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:**
- дунёни бадий тасаввур этиш;
- бадий-ижодий қобилиятлар.
- Давлат талабларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

- **мактабгача таълим** - мактабгача ёшдаги болалар қизиқиши, иқтидори, индивидуал руҳий ва жисмоний хусусиятлари, маданий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳамда болада маънавий меъёрларни шаклланиши, ҳаётий ва ижтимоий тажриба эгалланишини кўзда тутган ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган яхлит жараён;

ривожланиш - инсон танаси тузилиши, руҳияти ва хулқида биологик жараёнлар ҳамда атроф муҳит таъсирида рўй берадиган ўзгаришлар;

ривожланиш соҳаси - бола ривожланишидаги аниқ бир йўналишлар;

кичик соҳа - соҳанинг кичик гуруҳлари. Асосий соҳаларнинг кичик соҳаси ривожланишнинг маълум бир томонларини ўз ичига қамраб олади ва уларнинг аниқ бир йўналишини кўрсатиб беради;

кутилаётган натижа - болаларда кутилаётган билим, кўникма ва малакалар кўрсаткичи;

бола компетенцияси - маълум бир ёш даврига хос бўлган вазифаларни мақсадли бажариш учун етарли бўлган боланинг билими, кўникмаси ва малакалари ҳамда қадриятлари;

интеграция - бола таълими ва ривожланишидаги мазмун таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқлик;

инклюзив таълим - болаларнинг алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларини инобатга олган ҳолда таълим ва тарбия олинишини тенг таъминловчи жараён;

«Мен» концепцияси - болани ўзи ҳақидаги англандан тасаввурлари тизими, унинг рефлексив фаолиятини бир қисми;

рефлексив фаолият - болада ўз тушунчалари ва хатти-ҳаракатларини англаш ва мустақил таҳлил қилиши асосида хулосалар шаклланиши жараёни.

Давлат талаблари ривожланиш соҳалари бўйича:

Илк ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган талаблар мазкур

Давлат талабларининг 1-иловасида белгиланган.

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган талаблар мазкур Давлат талабларининг 2-иловасида белгиланган.

мактабгача таълим муассасасида болаларга билим бериш билан бир вақтда ушбу билимлар даражасини кузатиб назорат қилиб бориш, таълим ва тарбия натижаларини назорат қилиш ҳам талаб этилади. Тарбиячи ўз иш тажрибасидаги ана шу баҳо бериш малакаларини такомиллаштирмоғи лозим.

Бир томондан, бола ўзини-ўзи назорат қилишга ўрганиши керак, иккинчи томондан, тарбиячи ҳам ўз меҳнат натижаларини (ютуқ ва камчиликларини) кўра олиши, бунинг учун болаларнинг ривожланиш савиясини назорат қила билиши даркор. Лекин айти шу масалада ёш тарбиячилар катта қийинчиликларга учрайдилар.

Бўлажак тарбиячиларни болалар ривожланишини кузатиш, таҳлил қилиш фаолиятига ҳам ўргатишни мақсад қилиб қўйиш керак. Бунда улардаги касбий методик билим ва амалий педагогик малакаларнинг етишмаслиги, болаларнинг билимларини ҳисобга олишдаги камчиликларни бартараф этишни ҳам кўзда тутиш лозим. Маъруза матнида тарбиячиларнинг иш тажрибасидаги қийинчиликлар (ҳисобга олиб бориш шаклини юритишдаги ноаниқликлар, болаларнинг ривожланишидаги ютуқ ва камчиликларни қайдлаб бормаслик, ҳамма болалар билан бирдай ишламаслик) муносабати билан тарбиячиларнинг баҳо бериш малакасини оширишга қаратилган тавсиялар берилиши зарур.

Амалий машғулотларда бўлажак тарбиячилар гуруҳларга бўлиниб, мавзу юзасидан берилган топшириқларни ечадилар, шу билан дарс-машғулотда олган билимларини амалда қўллаш амалиётини ўтайдилар.

Давлат талаблари асосида болаларнинг ривожланишидаги муваффақиятлар сифат ва миқдорий кўрсаткичларни қайдлаб бориш учун ҳар бир чоракда уларни

баҳолаб туриш мезонларидан келиб чиқиши керак. Бунинг учун эса тарбиячи маълумотларни тўплаб бориши ва таҳлил этиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги 595-сонли “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/4646908>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги “Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 802-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2020 й., 09/20/802/1658-сон.